


Imperial College  
London

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE "MODERN PSYCHOLOGY  
AND PEDAGOGY: PROBLEMS  
AND SOLUTIONS"



Fozilov Jahongir Ibrohimjon o'g'li, Toshmatova Hamidabonu Umidjon qizi TA'LIM TIZIMINI ISLOH QILISHDA YANGI INNOVATSIYALAR Хушбоқова Нигора ғайрат қизи КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	62
Хушбоқова Нигора ғайрат қизи ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОПАДА СУГУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ	66
Шамсия Эгамбердиева АЛЛАНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	73
Аскарова С.А. Жовлиева.Д.Т., Файзиева Н.Б ВИРУСНЫЕ БОЛЕЗНИ ГЛАДИОЛУСОВ	87
Фозилов Жаҳонгир Иброҳимовиҷ, Абдураҳмонова Моҳинур Фуркатжон қизи ВАЖНОСТЬ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ СРЕДСТВ В РАЗВИТИИ РЕЧИ И ФОРМИРОВАНИЕ У ДЕТЕЙ ПРАВИЛЬНОЙ РЕЧЕВОЙ КОМПЕТЕНЦИИ	91
Aliyev Abdulaziz ДЖИЗАК - ГОРЫ, РАВНИНЫ И ЗНАМЕНИТАЯ ДЖИЗАКСКАЯ САМСА	94
Kamolov Po'latboy, Salayev Maksut Yuldashevich, Atabayev Nodir Narimon o'g'li TURLI SUG'ORISH TEXNOLOGIYALARINING G'O'ZANING O'SISHI VA RIVOJLANISHIGA TA'SIRI	96
Nazirova Khilolakhon Mirzayakubovna ANALYSIS OF ENGLISH NUMERALS	100
Abduraimov Sirojiddin Abdulkarimovich RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA O'QUVCHILARNI KASB HUNARGA YO'NALTIRISH	104
Abdushuxratova Durdonga, Muhammadyusupova Madina, Yo'ldashev Axrorjon BOSHLANG'ICH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA QARATILGAN ZAMONAVIY YONDASHUVLARNING MAQSAD VA VAZIFASI	107

# АЛЛАНИНГ БАДИЙИХ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6819210>

## Шамсия Эгамбердиева

Намду Филология факультети адабиётшунослик (ўзбек адабиёти) йўналиши 1-курс магистранти

**Аннотация:** аллаларни оналар дунёсисиз, сезгиларисиз, таъсириносиз тасаввур этиб бўлмайди, бироқ буларнинг барчаси, А. Ветухов ифодалаганидек, түғма сезгирилик шаклидаги инстинктив тарзда эмас, балки минг йиллар давомида оналарнинг неча-неча авлодлари ҳаёт тажрибалари сифатида, уларнинг қанчадан-канча янгилишувлари, ажралишилари, куйинишларидан түғилган ачиқ сабоқ сифатида юзага келган.

**Калит сўзлар:** Аллалар, поэтик, кенг, тарқалган, бўлиб.

Аллалар поэтик пафосига кўра лирик ва юмористик руҳда бўлади. Лирик аллалар асосий кўпчиликни ташкил этади. Улар мавзу-мотив моҳиятига кўра авайловчи, майший ва тарихий йўналишга эга. Уларнинг маросимга алоқадор намуналари ҳам мавжуд. Асосан, мотам аллалари деб юритилувчи бу туркумнинг ўлим аллалари- марҳум тилидан айтиладиган аллалар, чақалоқ ўлганда садр тушиб айтиладиган аллалар сингари йиғи типлари ва йўқлов аллаларидан иборат ички хиллари аниқланган .

Авайловчи аллалар анча кенг тарқалган бўлиб, асосан, болаларни эркалаш, уларни ўраб олган муҳит билан таништириш, фақат ўзларигагина боғлиқ бўлган нарсаларни поэтик таърифлай туриб, бола тақдирини орзулар силсиласида кўриш мотивларига лиммо-лим. Бу жиҳатдан, айниқса, бола бешигининг поэтик таърифига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. Ахир бешик-гўдакнинг уйи-да, у шу бешикдагина ором олиши, шундай пайтларда эса, она ўз юмушларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбеклар қадим замонлардан бери бешикнинг қанақа материалдан ясалишига, пардозига алоҳида эътибор берганлар; ўтмишда уни, асосан, тут, ўрик ва ёнғоқ каби мевали дарахтлардан ясаганлар. Бешикнинг мевали дарахт танасидан ясалишига инсоннинг сермева-кўп фарзандли бўлишига оид истакни рамзан назарда тутганлар.

Бундан ташқари, болани бешикка солиш алоҳида маросим сифатида нишонланган . Шу сабабдан ҳам бешик она учун муқаддас нарсага айланган

ва у бешикни таърифлаб туриб, жигаргўшасини оғушида авайлаёттандай түяди ўзини:

Ўрик ёғоч бешигинг, алла,  
Ўргилиб кетсин онанг, алла,  
Тут ёғочдан бешигинг, алла,  
Термулиб ўтсин онанг, алла.

Она боласини тұтиқуш боласи сиймосида эркалаганда, бешик «қамиш қалъя»га айланади:

Тұтиқушнинг боласи,  
Қамишдандир қалъаси.  
Учиб кетса онаси,  
Жавлон ураг боласи,  
Алла, жоним, алла.

Фарзандини булбул боласига қиёслаганда эса бешикнинг «олтин қалъя» бўлишини ҳавас қилади она:

Булбул қушимнинг боласи,  
Олтиндандир қалъаси.  
Алла-ё алла.

Бу парчалардан онада бойликдан кўра арзандасининг фаровонлигини ўйлаш истаги баландроқ эканлиги англашилиб турибди. Бешик поэтик таърифидаги бундай товланишлар анъанавий бўлиб, фақат ўзбекларгагина эмас, балки жаҳоннинг кўпгина халқларига хосдир. Рус аллаларида ҳам олтин бешик ҳаваси етакчи мотив даражасига кўтарилиган. Аммо ўзбек аллаларида олтин бешик ҳаваси рус аллаларидагидек, силсилавий оҳангта эга бўлмаса-да, оналарнинг саховатпешаликларини ошкора тараннум эта олганлиги туфайли қадрлидир.

Авайловчи аллаларда онанинг фарзанди билан боғлиқ орзулари тадрижий ўзгаришда намоён бўлади. Бу тадрижий ўзгариш жараёнини ижтимоий заминдан холи кўриш авайловчи аллалардаги ижтимоий рухни инкор этишга йўл очган бўларди. Чунки уларда ифодаланган ҳар қандай орзу ижтимоий воқеликнинг она қалбидаги субъектив акси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тузумнинг гуманистик моҳиятини англай боргани сари оналарнинг фарзандлари тақдирига оид ўйларида ҳам давр шарофатини акс эттирувчи белгилар равшан кўрина боради. Ўтмишда феодал жамиятнинг асирасига айланган noctor она:

Сани манга берандан

Узун ёшинг тиладим,

-дея зорланишгагина маҳкум этилган бўлса, адолатли тузум орзуси унга ўз қадрини танитди, унинг орзуларига қанот бағишилади. Натижада у ифтихорга тўлиб-тошиб, оналигидан мамнун бўлиб, хуррамлигини майин оҳангга солиб куйлай бошлади:

Онаману, онаман, алла,  
Болам учун ёнаман, алла,  
Болам тинчликда ўсса, алла,  
Орзуларга қонаман, алла,

«Орзуларига қониқа бошлаган» она боласи тақдирида Ватани ва халқи тақдирини кўришга чоғланди. Унинг учун бола тақдири шахсийлик аломатидан тўла-тўкис қутулиб, катта ижтимоий мазмун ва гуманистик моҳият касб эта боради. Боланинг ўзини ҳам она шу Ватан ва халқ олдида масъулиятда кўра бошлади. Не бахтки, худди шу масъуллик туйғуси бола тақдири мазмуни сифатида бугунги ўзбек оналарининг авайлашида тароватланиб туради:

Улғай, болам, гул Ватанда, алла,  
Ботир бўлиб ўсгил, қўзим, алла,  
Сени кўриб бу чаманда, алла,  
Яйрай-қувнай, юлдузим, алла,


Ниҳоят, ўзбек аллаларида яна бир хусусият -улардаги радифнинг қонунийлигидир. Алла сўзи ҳар сатрда ёки сатр оша, гоҳо эса мураккаб шаклда «алла-ё алла» тарзида тақрорланаверади. Аммо мураккаб шакли гоҳида тўртлиқдан ё учлиқдан кейин нақарот вазифасини ўтаб, алланинг экспрессивлигини таъминлашда ҳам хизмат қилиш мумкин. Бугина эмас, «алла» сўзи гоҳида биргина сатрда-ҳам бошида, ҳам сўнгида, гоҳо эса байтда-биринчи сатрнинг бошида ва иккинчи сатрнинг сўнгида, яна баъзан бандда биринчи сатрнинг бошида ва охирги сатрнинг сўнгида асар композицион таркибида қолипловчи узв вазифасини ҳам бажаради.

Шуни ҳам эслаш керакки, аллани ҳозирги пайтда, асосан, ёши эллиқдан ошган онахонлар репертуаридагина учратиш мумкин. Буни оналарнинг ишлаб чиқаришда эркаклар билан teng бўлиб, болалар тарбиясининг тобора ижтимоий характер касб этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунга қарамай, аллалар ҳамон яратилмоқда, куйланмоқда. Бу жараён фольклорда бир қадар сусайган бўлса-да, замонамиз шоирлари ижодида адабий ҳодисага айланиш жараёнини кечмоқда, алла адабий жанр сифатида янги умрини бошлаб, баҳтиёр ўзбек оналарининг хуррамлигини тараннум этмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР

1. Ветухов А. Народные колыбельные песни, с.133.
2. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари, 283-284-бетлар.
3. Мельников М.И. Русский детский фольклор Сибири, с.36.
4. Мельников М.И. Ўша асар, 38-бет.



# Imperial College London


Imperial College London is a world-class university with a mission to benefit society through excellence in science, engineering, medicine and business.

# CERTIFICATE

Confirms that

ШАМСИЯ ЭГАМБЕРДИЕВА

Author of the article:  
АЛЛАНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



01.07.2022

DATE

